



**ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**

**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan,uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

16.04.2018 й. № 251-к

**2019-2021 йиллар учун
вилоят маҳаллий бюджети
лойиҳасини тайёрлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 90-моддасига асосан 2019-2021 йиллар учун вилоят маҳаллий бюджети лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида”ги АХ/03-01-33-18/68-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 16 апрелдаги “2019-2021 йиллар учун вилоят маҳаллий бюджети лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида”ги АХ/03-01-33-18/68-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2019-2021 йиллар учун вилоят маҳаллий бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ҳамда Молия вазирлигига тақдим этилишини назорат қилувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (Хайдаров)га:

- Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексига асосан 2019-2021 молия йилларида қилинадиган харажатлари учун вилоят, шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юбориш;

- шаҳарлар ва туманлар молия бўлимлари билан биргаликда вилоят, шаҳарлар ва туманлар бюджет маблағларидан таъминланадиган бюджет муассасалари томонидан 2019-2021 йиллар учун бюджетдан маблағлар олиш сўровномаларини белгиланган тартибда ва муддатларда қабул қилиб олиш вазифалари топширилсин.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳудудий молия бўлимлари билан биргаликда 2019-2021 йиллар учун тегишли бюджет лойиҳаларини жорий йилнинг 25 июнга қадар вилоят молия бош бошқармасига тақдим этсинлар.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (Хайдаров) 2019-2021 молия йиллари учун вилоят маҳаллий бюджети лойиҳасини Молия вазирлигига белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эгамбердиев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

ASLIGA TO'G'RI

И.Абдураҳмонов

Вилоят ҳокимининг 2018 йил
“16” *сентябрь* даги 251-қ-сонли
қарорига илова

2019-2021 йиллар учун вилоят маҳаллий бюджетини тайёрлаш, кўриб
чиқиш ҳамда Молия вазирлигига тақдим этилишини
назорат қилувчи вилоят ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1. А.Эгамбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари**
2. Б.Хайдаров Вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи, **ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари**
3. К.Салахов Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, **ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари**

Ишчи гуруҳи аъзолари:

4. А.Эгамбердиев Вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғининг ўинбосари
5. Х.Султонов Вилоят фазначилик бошқармаси бошлиғи
6. Р.Юлдашев Вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи
7. А.Назаров Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи
8. А.Мамадалиев Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
9. Ф.Бузруков Вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи
10. М.Саттарова Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи
11. Ў.Тошпўлатов Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи
12. М.Абдуллаева Вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи
13. Ф.Муллажонов Вилоят молия бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, **ишчи гуруҳ масъул котиби**

Котибият мудир



И.Митиллаев